

## Расулуллоҳнинг □ сафар қилувчига дуолари



09:10 / 30.06.2025 1241

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен сафар қилишни хоҳлайман, менга васият қилинг», деганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Сенга Аллоҳдан тақво қилишингни ва ҳар бир баландликка кўтарилишда такбир айтишингни васият қиламан»**, дедилар. Ҳалиги киши орқасига қайтиб кетганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

رَفَّ سُلَّالَهُ فَيَلَعُ نَّوَّوَهُ، ذِي عَجَلٍ أَلَّوْطًا مُهَلَّلًا

**«Аллоҳумма итви лаҳул баъийда ва ҳаввин ъалайҳис сафара»**, деб айтдилар.

Маъноси: «Аллоҳим, узоғини яқинлаштиргин ва сафарни унга енгил қилгин».

*Термизий ва Ибн Можа ривоятлари.*

**Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан**

**Таржимон Анвар Аҳмад**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.